Муаммо

# ҲАР ЖОЙНИ ҚИЛМА ОРЗУ

## Мўмай даромад илинжида тасодифий йўллар билан ўзга юртларга борган баъзи бир ҳамюртларимиз қисмати ҳақида

***Тошкент-Термиз йўналишидаги автобусда бирга қайтган ҳамроҳим узоқ Екатеринбург шаҳридан келаётган экан. Жарқўрғонлик Одил исмли бу йигитнинг саргузаштлари аввалроқ эшитганларим, унинг тақдирдошлари ҳикояларига айнан ўхшаб кетади.***

***Автобус ғала-ғовур азим шаҳарни ортда қолдиргач, йўлнинг узоғини яқин қилиш ниятида ҳамроҳимни гурунгга тортдим. Аввалига камгапга ўхшаган бу йигит суҳбатнинг қалови топилгач, очилиб кетди. Кейинги уч ой давомида унинг бошдан кечирганлари ҳақиқатан-да аянчли эди. Афсуски, бу воқеаларнинг барчасини матбуотда баён этишни у сираям хоҳламади. "Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмас, деганлари ҳақ гап экан, — дейди Одил, — энди кўзим очилди. Ҳалиям ватанимга соғ-омон қайтаётганимга минг қатла шукрлар қиламан...***

Бозор шароити барчани ҳамма нарсада эркин қилиб қўйди. Ҳатто иш танлашда ҳам. Инчунун, хорижга бориб ишлаш ниятингиз бўлса ҳамда, майли. Фақат бундай ҳолда Сиз мавжуд тартибларга амал қилиб, тегишли муассасалар ҳамкорлигида уларнинг рухсатнома ва тавсиялари билангина ҳаракат қилсангиз, марра сизники. Акс ҳолда, ўзбошимчалик, турли ҳожатбарор "фирмалар", "даллоллар" таклифига учсангиз, ҳамсуҳбатим Одилнинг кунига тушганингизни билмай қоласиз.

Одилбой бекорчи йигитлардан эмасди. Дуппа-дуруст ишига эга, рўзғорни ҳам эл қатори тебратиб турганди. "Хорижга борганлар ярим йилда машинали бўлиб қайтишаётган экан", деган ҳавойи гапларга учдими, тўрт-беш танишига қўшилиб Екатеринбург қайдасан, дея жўнаворди. Ёнида шахсини тасдиқловчи паспорт ва бир оз (таниш-билишларидан йиққан) пулдан бошқа ҳеч қандай расмий ҳужжатга эга бўлмаган кишиларни ким ҳам бегона юртда қучоқ очиб кутиб оларди? Қолаверса, ҳамма жойнинг ўз тош-тарозиси, тўғрироғи, қонун-қоидалари бор эмасми?

— Иш қидириб роса бир ой овора бўлдик, — дея ҳикоясини давом эттирди Одил. — Охири пулимиз тугади. Орқага қайтишнинг эса иложи йўқ. Қизиғи шундаки, чўнтакларимиз бўшаб қолгач, орага тушувчи даллоллар пайдо бўлиб қолди. Кейинчалик билсак, ўзларини "воситачи-ишбилармон" деб атовчи бу кимсалар аллақачон бизни кўз остига олиб қўйган, ҳар бир хатти-ҳаракатимизни назорат қилиб юришган экан. Уларнинг таклифига кўнишдан бошқа чорамиз қолмаган эди. Оғир меҳнатдан тушадиган арзимаган иш ҳақимизнинг қирқ фоизига шерик бўлиш шарти билан иш топиб беришларига рози бўлдик.

Паспортларимизни йиғиштириб олган "воситачилар" сувга тушган тошдек ғойиб бўлишди. Орадан уч ой ўтган бўлса-да, иш ҳақи берай дейишмасди. Шу вақт давомида кўрган-кечирганларимиз ҳақида гапиришга, тўғриси, тилим бормайди. Агар ўша юртда яшаб қолган ватандошларимизни тасодифан учратмаганимизда, ким билсин, қисматимиз не кечарди. Улар таниш-билишларини орага қўйиб ҳужжатларимизни қайтариб олишди. Аммо уч ойлик меҳнатимиз эвазига бирор тийин ҳам ололмадик. Минг раҳмат, ўша қондошларимиз бир оз пул топиб бизни Ватанга қайтаришди...

Термизлик Нормурод ҳам шундай "ишбилармон"лардан. Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрмаган бу ёш йигит Термиздаги энг гавжум ресторанлардан бирида ошпаз бўлиб ишлаб турганди. Нима бўлди-ю, бир-икки бекорчихўжанинг гапига учиб, кўнгли узоқ Россияни тусаб қолди. Ҳамкасб ўртоқлари, ота-онасининг насиҳатларига қулоқ солишни ўзига эп кўрмади. Кўзига бели синмаган "кўквой"лар-у ярақлаган машинадан бошқаси кўринмаган бўлса керак-да! Ота-онаси уйида тўйига атаб боғлаган тўрт бош қўчқор ҳам Нормуродбойнинг йўл харажати учун бозорга солинди. Ойига юз минг сўм (ўзимизнинг пулда) маош бераман деб ваъдани катта қилган ҳамроҳига қўшилиб Московгача борган Нормуродбой кўрсаки, аҳвол мутлақо бошқача. Қозон вокзалида учратган икки нафар ўзбек йигити билан икки қардош йигитнинг: "Ҳозирнинг ўзида Ўзбекистонга қайтиб кет" деган даъватларига ҳам парво қилмади.

Нормуроднинг уста-ошпазлиги сабаб бўлганми, ҳайтовур унинг ҳужжатларини тортиб олишмаган. Аммо унинг ҳикоя қилишича, ресторанларнинг бирида бир ойдан ошиқроқ маошсиз ишлаб беради. Сўнгра Клинь шаҳридаги ошхоналардан бирида ҳам икки ойча беҳуда вақт ўтказади. Уч ой тер тўкиб тўрт танга топмагач, минг бир азобда Термизга қайтиб келади. Хайрият, бир оз маблағини харж қилмаган экан, йўлда иш берди. Акс ҳолда у ҳам "холис" воситачилар қармоғига илиниши шубҳасиз эди.

Яқинда болаликдаги дўстларимдан бири беш-олти оғайниси билан иш ва мўмай даромад ишқида Россия томонларга кетаётганлигини эшитиб, у билан учрашдим. Ҳеч бир ҳужжатсиз таваккал иш тутаётган Алишерга иложи борича хориж давлатларига фақат меҳнат биржалари ёки уларга тенглаштирилган ва айнан бандлик билан шуғулланувчи тегишли муассасалар билан шартнома тузиб боришни тавсия этдим. Тўғри, мен таклиф қилган идораларда тегишли ҳужжатлар тайёрлаш учун бир оз вақт керак бўлади. Назаримда, Алишер ана шу расмиятчиликлардан қочган кўринади. Оқибатда ўша дўстим бир ой давомида хорижни айланиб бор-будидан ажралиб қайтди. Саратов шаҳрига келиб улар энг охирги тийин маблағларини ҳам сарфлаб бўлишади. Шу шаҳарда муқим яшаб қолган тўрт-беш бойсунлик ҳамшаҳарларни излаб топишади ва уларнинг кўмагида Ватанга қайтишади.

— Ёлланиб ишлаётган ҳамюртларимнинг аҳволини ўз кўзим билан кўрдим, — дейди Алишер афсус билан. —Кимларнингдир даъватига учиб бор-буд маблағи, паспортларини олдиргач, фақат оч қолмаслик учунгина ҳар қандай ишни қилишга рози бўлаверадилар. Милиционерларга мурожаат қилишдан наф йўқ. Чунки "воситачилар"нинг ишини участка нозирлари доимо назоратга олган ва улар "воситачилар" даромадига шериклик қилишади.

Бепоён Россиянинг олис шаҳар ва қишлоқларида овора-ю сарсон бўлиб қайтган Алишер, Одилларга ўхшаган ўнлаб ҳамюртларим билан бўлган суҳбатлар жараёнида шунга амин бўлдимки, бу болаларнинг деярли барчаси қаллоблар, шунингдек, ноқонуний бизнес билан шуғулланиб келаётган тўдалар қўлига тушганлар. Ва афсуски, бунинг учун аввало уларнинг ўзларини айблаш мумкин, холос.

Мақоламиз аввалида бозор шароитларидан келиб чиқиб бизда ҳам хорижга бориб ишлаш истагида бўлган, малакасини оширмоқчи ёки касб ўрганмоқчи бўлган ёшларга тегишли расмий идоралар орқали шарт-шароитлар яратилаётгани ҳақида тўхталгандим. Хусусан, бугунги кунда минглаб ҳамюртларимиз меҳнат биржалари, бандлик фондлари ва бошқа ишончли муассасалар тавсия-йўлланмаси билан Жанубий Корея, АҚШ, Арабистон давлатлари ва бошқа бир қатор ривожланган мамлакатларда шартнома асосида ишлаб касб ўрганмоқдалар. Шартнома муддати тугаб Ўзбекистонга қайтиб келган ёшлар у ерда ўзбекистонлик ёшларга касб ўрганиш, ишлаш, вақтида дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлигини тўлқинланиб гапиришади. Ҳатто айрим ёшлар ривожланган мамлакатлардан ўрганиб қайтган иш тажрибаларини туғилган юртларига келгач, ҳаётга жорий этаяптилар. Бу, албатта, мақтовга молик иш. Аммо ўзбошимчалик билан саргузашт қидириб, норасмий тарзда ўзга юрт кезаётган баъзи бир ёшларимиз билиб-билмай босаётган бу қадамлари билан нафақат ўзларининг ҳаётларини таҳликага солмоқдалар, балки ота-она, оила аъзоларига анчагина ташвиш ҳам орттиряптилар.

Мақоламиз давомида тилга олинган Одил, Нормурод ва Алишерларга ўхшаб таваккал иш тутган саргузаштпараст биродарларимизнинг бошидан кечирганлари худди шу хаёлда юрган бошқа кўплаб юртдошларимизга ибрат бўлармикан деган илинжда бу воқеаларни қаламга олдик. Қолаверса, бу каби ёшлар кексаларимиздан қолган: "Узоқнинг донидан яқиннинг сомони афзал" деган иборанинг мағзини қайта-қайта чақиб кўрсалар ёмон бўлмасди.

**Даврон ОРИПОВ,**
**"Ҳуррият"нинг махсус мухбири**

Мулоҳаза

# ТОМЧИ ТОШНИ ТЕШАДИ

## Ёхуд ғururнинг қадри ҳақида

Инсоннинг маънавий даражасини белгилайдиган омилларга жасурлик, фидойилик, ор-номуслилик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик каби фазилатларни киритиш мумкин. Уларни ўзида мужассамлаштирган киши юртнинг, миллатнинг ифтихорига айланиши муқаррар.

Инсон қадр-қимматини яққол намоён этадиган нодир хусусиятлардан яна бири ғурурдир.

Биров ўзининг касбидан, қилган ишидан, яна кимдир оиласидаги тўкисликдан мағрур. Биз — ўзбекистонликлар шу озод юрт фуқароси эканлигимиздан, шу юртда туғилиб, яшаётганимиздан, илдизимиз шу муқаддас тупроққа чуқур ёйилганидан мағрурлигимизни яширмаймиз.

Меъёр ҳамма нарсанинг, шу жумладан, ғурурнинг ҳам қадр-қимматини белгилаши сир эмас. Қозонга меъёридан ортиқча ташланган туз овқатнинг мазасини бузганидек, ғурурга ҳам меъёридан ортиқча эрк бериш ёхуд беписанд муносабат зиён келтириши шубҳасиз. Бундай ҳолатнинг оқибатини доно халқимиз ўз мақолларида топиб айтган: "Обрўйингни йўқ қилар ортиқча ғурур" ёхуд "Ортиқча ғурур манманликка айланар".

Бу ҳикматли башоратларга турмушдан мисол келтириш қийин эмас.

Яқинда нуфузли бир идорада ишлаётган танишимнинг ҳузурига бордим. Хонада у билан яна бир ёш ходим ишларди. Салом-аликдан сўнг ёш ходим бирор иши чиқди шекилли, ўрнидан туриб хона эшиги томон юрди. Шу пайт столи устидаги телефон устма-уст жиринглаб қолди. У норози оҳангда: "Э, шу телефонлар ҳам жонга тегди. Варанглаганни варанглаган!" дея изига қайтиб гўшакни кўтарди ва зарда билан "да-а", деди...

Танишим менга маъноли қараб қўйди, ҳамхонасининг телефонда гаплашиб бўлишини босиқлик билан кутди. Ниҳоят гўшакни жойига қўйгач, ҳамкасбига кулимсираб қараб:

— Эй, укажон. Қўнғироқлардан асабингиз бузилмасин. Сиз шу ерда ўтирган экансиз, одамлар сизни қидиришаяпти, ишонишиб ўз дардларини айтишаяпти. Бундан ғурурланинг. Ҳеч ким йўқламайдиган, қидирмайдиган аҳволга тушиб қолишдан Худонинг ўзи асрасин, тўғрими? — деб менга юзланди.

Мен ёш ходимга қарадим. У қилмишидан хижолат бўлгандек ўнғайсизланди ва ҳамхонасига қараб "Узр, устоз" деди жилмайиб. Учаламиз ҳам кулиб юбордик. Анча ҳаётий тажрибага эга танишим ғурурнинг қадрини ёш ҳамкасбига, дилига озор бермай эслатиб қўйганидан мамнун бўлдим.

Ғурур туйғуси ҳар қандай шароитда ҳам манманликдан, бефарқликдан холи, табиий намоён бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Бир пайтлар Пеле бошлиқ Бразилия футболчилари ғалабага эришган ўйинларнинг охирида стадионда ўзига хос ҳаяжонга тўла байрам бошланарди. Бразилия миллий байроғи юқорига кўтарилаётган, бу давлат мадҳияси янграётган дақиқаларда Пеле ва унинг командадошлари, стадионда ўтирган минглаб бразилиялик ишқибозлар кўзларидан қувонч ёшларини шашқатор оқизишиб, нигоҳларини ўз байроқларидан узишмасди. Бошларини мағрур кўтарган ҳолда миллий мадҳияларини куйлашарди. Яъни, бу билан улар чексиз қувонч ва фахр, бетакрор ғурур ила ўз миллатларини, Ватанларини кўз-кўз ҳам қилишарди.

Шукрлар бўлсинки, мустақилликка эришганимиздан буён озод юртнинг вакили сифатида спортчиларимиз спортнинг турли соҳалари бўйича жаҳон мусобақаларида қўллари баланд келиб, ғолибликнинг шоҳсупасига чиқаётирлар.

Биз учун ниҳоятда қадрли ва файзли ана шу дамларда бутун вужудимиз кўз ва қулоққа айланади: спортчимиз қўлларини кенг ёзиб, минглаб томошабинларнинг олқишларига жавоб қайтаради. Миллий байроғимиз юқорига кўтарилади, мадҳиямиз янграйди...

Орзиқиб кутилган ғурурга тўла дамлар!

... Бироқ ана шундай шукуҳли онларда яна ғурур тушмагур кўнгилнинг бир четини тирнайди: нега энди спортчимиз миллий мадҳиямизни ёниб куйламаяпти? Унинг командадоши бўлган бошқа ватандошларимиз нега бу пайт пастда кулишиб, туртишиб, лаш-лушларини йиғиштириш билан оворалар? Наҳотки шу ишни жиндек кейинроққа қолдиришнинг иложи бўлмаса?!

Ғолибимизнинг, мусобақада қатнашган бошқа юртдошларимиз устларидаги турли хориж фирмаларининг номлари ёзилган либосларга кўзинг тушганда "аттанг" деб юборасан беҳосдан.

Ҳа, бозор иқтисодиёти тижоратчилар учун кенг имкониятлар яратди. Пули бор одам истаган мамлакатга бориб, хоҳлаган матоҳни келтириб сотаяпти, даромадини кундан-кунга ошираяпти. Тижорат бозорларини айланганингизда тижоратчиларнинг топқирлигига қойил қолмасдан иложингиз йўқ. Расталар буюмларнинг хилига, турига қараб бўлинган.

Бунинг устига шоввоз тижоратчиларнинг "ихтисослашиб" олганларини кўрмайсизми? Бири темир-тақа буюмлари сотган, бошқаси пардозлик буюмларини ёйиб ташлаган, хуллас, ҳар бир буюмнинг ўз растаси, "ихтисослашган" сотувчиси бор. Аммо минг афсуски, зарур-нозарур буюмлар орасида ғоят ножоиз "товар"лар ҳам учрайдики, уларни сотиб фойда кўрадиганга ҳеч ким "балли!" демаса керак. Аксинча, топганинг буюрмасин, деса ажабмас. Ахир, беҳаё суратларни олиб келиб пул ишлайдиган кимсанинг "тирикчилиги" таниш, бола-чақасига сингармикан?! Бундайлар мўмай даромаддан бўлак бирор нарсани хаёлларига келтиришармикан?! Акс ҳолда шу матоҳларни уларнинг қўлларига арзон-гаровга тутқазган хорижликнинг айёр назаридан: "Бу суратлар бизда аллақачон ўз ишини қилиб бўлган, энди уларнинг қизиғи йўқ. Марҳамат, уларни олиб бориб, юртингда бемалол тарқатавер. Янаги келганингда беш тийин арзонга бераман. Чао!" деганга ўхшаш маънони уқиб олишарди. Балки ўшанда ғурурини юксак тутган азим юртнинг фуқароси эканини бу фойда бандаси бир зумгина бўлса-да эслармиди.

Миллий қадриятларимиз тикланаётган, ёшларимизни миллий анъаналаримизни, урф-одатларни қадрлаш руҳида тарбиялаш борасида кўп ишлар олиб борилаётган бир шароитда бойлик кетидан қувиб ўзлигини унутаёзган, ғурурни четга суриб қўйган айрим тижоратчиларни инсофга чақириш фурсати етди, деб ўйлайман.

Хўш, тижоратчилардан баъзилари фойданинг кетидан қувиб шу ҳолга тушди. Лекин улардан номаъқулчиликларни тарғиб этувчи "матоҳ"ларни харид қилиб, уйимизга олиб кираётган, болаларимиз қўлларига тутқазаётган сиз у бизга нима бўлди?

Ўша нарсаларни сотиб олиш учун ҳамёнимизга қўл суқишдан олдин озгина фикр қилсак маъқул эмасми? Ўшанда бежирим кўриниб хаёлимизни олган, лекин бора-бора аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган бундай "матоҳ"лар ёнига йўламасмидик, болаларимизни ҳам уларга қўл чўзишдан қайтарармидик балки.

Ахир, томчиям бир жойга томаверса бир куни тошни ҳам тешади-ку!

Президентимиз И.А.Каримовнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи қатнашчиларига йўллаган мактубларидаги "... жондан азиз болаларимизни ўзгаларнинг номаъқул тарбияси ва мудҳиш таъсирига ташлаб қўйиш — келажагимизга нисбатан кечириб бўлмас хиёнатдир", деган сатрларнинг туб маъноси, моҳиятини чуқурроқ англасак, ўзбекона бир донишмандлик билан фикр юритиб, ота-боболаримиздан мерос бебаҳо неъматлар — диёнат ва иймоннинг, ғуруримизнинг ҳам қадрига, албатта етамиз.

Зеро, ўз ғурурига эътиборли инсонни ғурур ҳам улуғлайди, юксакликка кўтаради.

Шундай эмасми, муҳтарам мухлис?

**Даврон ҒУЛОМОВ,**
**журналист**

## ТУЗАТИШ

**"Ҳуррият" газетасининг 2001 йил 29 август кунги 35-сонида "Халқаро почтамт" акциядорлик жамиятининг мустақилликнинг 10 йиллиги билан байрам табриги чоп этилган эди. Мазкур табрикдаги "Халқаро тезкор почтамт" сўзи "Халқаро почтамт" деб ўқилсин.**

Ҳа-зил

# ТЕРГОВЧИ АКАМ

*Кўп бордилар,*
*Хўп урдилар,*
*Сўнг "сўр"дилар —*
*Терговчи акам,*
*Эговчи акам.*

*"Уч"ни "ўн", — деди,*
*Ўзинг ён, — деди,*
*Дўстдан тон,*
*— деди —*
*Терговчи акам,*
*Эговчи акам.*

*Қоғоз қоралар,*
*Қўлга қарарлар,*
*Дилни яралар —*
*Терговчи акам,*
*Эговчи акам.*

*Кимдир айтганмиш,*
*Ҳақдан қайтганмиш,*
*Сўзин тутганмиш —*
*Терговчи акам,*
*Эговчи акам.*

*Тун этди тонгни,*
*Қочирди онгни,*
*Кўрмас на ённи —*
*Терговчи акам,*
*Эговчи акам.*

*Виждон бор, ахир,*
*Қонун бир, ахир,*
*Оқни кўр, ахир —*
*Терговчи акам,*
*Эговчи акам.*

*Ким тинглар зорим,*
*Битдим мен борим,*
*Топтади орим —*
*Терговчи акам,*
*Эговчи акам.*

**Баҳодир ЎРИНОВ**
*Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани*

"Қўша қариган"лар



Равшан ЭГАМБЕРДИЕВ чизган


## ЭЪЛОНЛАР

**Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан Яхъяев Махмудходжа Бадрутдинович номига берилган 0517071 рақамли якка тартибдаги тадбиркор гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.**

* * *

**"Ҳумоюн ва Гули" хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.**

**"Neways Inc." компанияси**

*Ўзбекистонда биринчи марта ўтказиладиган Марказий Осиё дистрибьютерларининг III конвенциясига таклиф этади.*

*Узоқ ва соғлом умр тўғрисида мутахассисларнинг фикрини билишни истасангиз "Зарафшон" концерт залида 21-22 сентябрь кунлари соат 15.00 да бошланадиган тантанага марҳамат қилинг. Тел. 8(3712) 34-93-22*

**Neways — саломатлик узра энг қисқа йўл!**


Фаолият

# "ЎЗКИМЁЛОЙИҲА"ДА ИШ ҚИЗҒИН

***"Ўзкимёлойиҳа" ягона лойиҳа-технология институтида мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, кимё саноати учун зарур хом ашёлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш учун лойиҳалаш ишлари бажарилади. Айни кунларда институт ходимлари Наманагандаги кимё заводи негизида целлюлоза, Самарқанддаги кимё заводида эса суперфосфат хом ашёсини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарни лойиҳалаш устида иш олиб бормоқдалар.***





Суратларни Ш.АКРАМОВ олган

***Институтнинг технология бўлими етакчи бўлим ҳисобланиб, асосий лойиҳалар шу ерда тайёрланади. Шуниси диққатга сазоворки, лойиҳалаш ишлари замонавий технология ва компьютерлар ёрдамида бажарилади. Бунинг учун бўлимга етук мутахассислар жалб этилган. Андрей Ли, Лариса Друс, Ойбек Шерматов ва Мариан Маъмурова каби соҳанинг жонкуяр ходимлари ҳар бир лойиҳанинг пухта ва замон талабларига мос ҳолда тайёрланишига катта аҳамият берадилар.***

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

**Суратларда: Технология бўлимининг бош мутахассиси Андрей Ли ва етакчи муҳандис Лариса Друс ёш мутахассислар билан янги лойиҳаларни тайёрлаш ва муҳокама қилиш устида ишламоқдалар.**

GLOBUS international life

Жаҳолат

# ЎЗИНГИЗГА ЧОҲ ҚАЗИМАНГ

Яқинда БМТнинг Наркотикларга қарши кураш ва жиноятни чеклаш комиссарияти(НҚКЖЧК)нинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонасида мазкур ваколатхона ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) иштирокида уюштирилган икки кунлик анжуман бўлиб ўтди. "ОАВ орқали аҳолининг наркотиклар салбий таъсири ҳақидаги хабардорлигини ошириш" мавзусига бағишланган анжуманда асосан оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотларнинг вакиллари, расмий идораларнинг масъул ходимлари қатнашди.



Тадбирнинг илк иш кунида НҚКЖЧКнинг Марказий Осиёдаги вакили Антонелла Деледда сўз олиб бугунги кунда Ўзбекистонда 15-20 минг киши гиёҳванд сифатида расман рўйхатга олинганлиги, бироқ бу рақамлар ҳақиқий аҳволни кўрсатишга ожиз, яъни, нореаллигига урғу берди ва фақат тўғри нарсагина фойдали бўлиши, ёлғон эса йўқотишларга олиб келиши ҳақида таъкидлади. Сўзи якунида Антонелла Деледда хоним наркотиклар муаммосига қарши курашда бутун жамият ҳамкору ҳамфикрликда иш юритсагина мақсадга эришиш мумкинлигига эътибор қаратди.

Комиссариятнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси Тофик Муршудлу наркобизнесни уюшган жиноятчилик сифатида таҳлил этиб, унинг ривожланиш динамикасини мисоллар асосида кўрсатиб ўтди. У минтақадаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан стратегик ҳамкорлик тўғрисида етарлича маълумот берди. Т.Муршудлунинг маълумотига кўра, 2000 йилда Тожик-Афғон чегарасида 1800 тонна героин ва 7 тонна бошқа наркотик моддалар ушлаб қолинган. Ёхуд яна бир эътиборли далил: Афғонистоннинг чегара ҳудудида 1 кг героин 800-1000 (баъзида ундан ҳам қимматроқ) АҚШ доллари бўлса, Англияда унинг 1 грамми 150-200 АҚШ долларини ташкил этади. Дарвоқе, Англияда мавжуд героиннинг 70-75 фоизи Афғонистонда етиштирилган "тоза"сидан саналади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил миллий маркази директори, Ўзбекистон Республикаси наркотикларни назорат қилиш давлат комиссияси раиси ўринбосари Камол Дўстметов Ўзбекистонда наркотиклар билан ноқонуний савдо қилишга қарши курашиш чора-тадбирлари хусусида гапирди. Республика бош наркологи У.Алимов ва Тошкент шаҳар бош наркологи О.Мустафин гиёҳвандларни даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш мавзусида маъруза қилди.

Шунингдек, анжуманда UNICEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Р.Рудригес, KARE (Австрия) директори Ф. Кумрл, нарколог С. Франке, Е. Хольд (Австрия) ва бошқалар наркотик моддалар истеъмоли оқибатида юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўл-йўриқлари хусусида сўз юритишди.

Айтиш мумкинки, икки кун давом этган анжуман ОАВ ходимларига мавзуга дахлдор бўлган кўплаб нодир маълумотларни қўлга киритиш имконини берди. Келгусида бу борада таҳлилий мақолалар чоп этиш ниятимиз бор.

**Норали ОЧИЛОВ**

Викторина

# ТАНИШИНГ, ПОКИСТОН!

1. **Умумий ахборот.** Кўп йиллик истибдод зулмидан халос бўлган Покистон 1947 йилнинг 14 август куни ўз мустақиллигини эълон қилди. Покистон жуғрофий ва тарихий жиҳатдан жуда кўп имкониятларга эга бўлган, не-не синоатларни «боши»дан кечирган мамлакат, унда Шарқ ва Ғарбнинг тарихи ва маданияти мужассам. Шунингдек, Покистон Индуз водийси атрофида жойлашган Гандахара (7000 йил), Харрапа ва Мохенжодаро каби тарихий дурдоналарни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб ҳам келмоқда. Покистон аҳоли сони жиҳатдан дунёда еттинчи ўринда туради, унинг заҳматкаш ва жафокаш халқи XX1 асрга дунёдаги ривожланган миллатлар билан бўйлашган ҳолда кириб келди.

2. **Жуғрофий ўрни.** Покистон 24 ва 37 даража шимолий кенглик ва 62 ва 75 даража шарқий узунликда жойлашган. Мамлакат ғарбда Эрон, шарқда Ҳиндистон билан, шимоли-ғарбда Афғонистон, шимолда Хитой ва жанубда Араб денгизи билан чегарадош. Мамлакат шимолдан Ҳимолай тоғ тизмаси, Каракорам ва Покистоннинг шимолий баландликлари билан, жануб томондан эса Араб денгизига қуйиладиган беш дарёси билан машҳур Панжоб воҳаси билан қамраб олинган.

3. **Тарих.** X1X асрнинг ярмига келиб Шарқий Британия—Ҳиндистон савдо компанияси жанубий Осиёдаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур сулоласининг сўнгги вакилларига устиворлик қила бошлади. Худди шу пайтдан британияликлар Чор Россиясига қарши ўзларининг «катта ўйин»ларига киришди.

1906 йили Ҳиндистон мусулмонлари биринчи сиёсий ташкилотлари бўлмиш Мусулмонлар Лигасини ташкил этишди. 1940 йилга келиб эса жаноб Кайд-е-Аъзам бошчилигидаги Мусулмонлар Лигаси мустақил мусулмонлар давлатини ташкил этиш ғоясини олға сурди. Шундай қилиб, Буюк Британия 1947 йилда субконтинетни тарк этгач, икки давлат, яъни ҳинду халқи истиқомат қилган ҳудудларда Ҳиндистон, мусулмонлар истиқомат қилган ҳудудларда – Покистон давлатлари вужудга келди. 80 фоиз аҳолиси мусулмонлардан иборат бўлган Жамму ва Кашмир штати Ҳиндистон тасарруфида қолди. Вужудга келган низоларни бартараф этиш мақсадида Ҳиндистон муаммони 1948 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) муҳокамасига олиб чиқди. БМТнинг қарорига биноан, 1949 йилда тўқнашувлар тўхтатилди ва Кашмир халқига қисқа муддатларда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилиши ваъда қилинди. Афсуски, мана, 54 йилдирки, ўтказилган тадбирлар ва кўплаб музокараларга қарамай мазкур муаммо ўз ечимини топганича йўқ.

4. **Бобурийлардан мерос ёдгорликлар**. Покистонни том маънода Бобурийлар даври меъморчилиги хазинаси дейиш мумкин. Мамлакатнинг маданий маркази бўлмиш Лахор ўз даврида буюк ўзбек шоири ва саркардаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан забт этилган. Вазир Хон Масжиди, Жаҳонгир Мақбараси, Асаф Хон, Нур Жаҳон, Шалимар боғлари ва Хиран Минар каби обидалар буюк Бобурийлар ҳукмронлиги даврида бунёд этилган. Мултон ва Бахавалпур дурдоналари бўлмиш мақбаралар, масжидлар ва хилхоналар ҳам Бобурийлар ҳукмронлигининг дастлабки даври меъморчилиги намуналаридир.

5. **Тил.** Покистонда кўп тил ва шеваларда сўзлашилади, бу ҳол мамлакатнинг этник ранг-баранглигидан дарак беради. Инглиз тили расмий тил ҳисобланади, ҳукумат ва таълим муассасаларида шу тил қўлланилади. Шу билан бирга миллий ҳамжиҳатликни сақлаш мақсадида урду тилидан инглиз тили ўрнида фойдаланишга рухсат этилган. Урду тили турк, форс тиллари негизида пайдо бўлган. Бу тил Бобурийлар салтанатида ҳарбий тил вазифасини ўтган. Урду тилида ажойиб шеърлар битган буюк Мирза Ғолиб асли Ўзбекистондан чиққан. Ҳозирда Тошкентда кўча, маҳалла ва масжид Мирза Ғолиб номи билан аталади.

6. **Маданият.** Покистон маданияти мусулмон, ҳинд маданиятларининг қоришмасидир. Мамлакатда насронийлар, ҳиндулар, сикхлар ва бошқа дин вакиллари ёндош бахтли ҳаёт кечирмоқдалар.

7. **Миллий либос.** Покистонда европача услубда кийиниш одат тусига кирган бўлса-да, шалвар-камииз умумий либос ҳисобланади. Аёллар бошига дупатта (шарф) ёпинадилар. Эркаклар ўзига хос бош кийим киядилар ва одатда бош кийим орқали уларнинг қайси этник гуруҳга мансуб эканликларини аниқлаш мумкин. Салланинг хили кўп, яъни думалоқ, жундан, қоракўлдан тайёрланганлари бор. Покистонда одми кийиниш одат тусини олган.

**(Давоми келгуси сонда)**

## ТАНИШИНГ, ПОКИСТОН ВИКТОРИНАСИ!

**Ўзбекистон Республикасидаги Покистон Ислом Республикаси элчихонаси ўзбек халқини қадрдон Покистон мамлакати билан яқинроқ таништириш мақсадида ушбу газета орқали "Танишинг, Покистон!" рукни остида бир неча мақолалар тўпламини эълон қилмоқда ва муштарийларнинг олган билимларини синаш мақсадида қизиқарли викторинага таклиф этади. Ушбу мақолалар ва викторина саволлари газетанинг бир неча сонида чоп этилади. Викторина ғолибларини ажойиб ютуқлар кутмоқда.**

**Викторина шартлари:**

1. *Викторинада фақат Ўзбекистон фуқаролари иштирок этади.*
2. *Викторина жавобларига қараб 1-, 2- ва 3-ўрин соҳиблари аниқланади. Агар ҳар бир категорияда ғолиблар сони биттадан ортиқ бўлса, унда жавоблар мазмунига қараб баҳоланади.*
3. *Жавоблар ўзбек, рус ёки инглиз тилида қабул қилинади.*
4. *Викторина жавобларини ва саволлар варақасини сўнгги саволлар чоп этилгунча йиғиб юринг. Улар жами бир йўла Покистон элчихонасига почта, факс орқали жўнатилади ёки олиб келинади.*

***Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Абдураҳмонов кўчаси, 15-уй. Факс: 144-08-76 ёки 144-73-99. Мурожаат учун телефонлар: 48-25-60; 48-11-70***

**Саволлар газетанинг навбатдаги сонида берилади.**

РАҚАМ

**Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиши туфайли СПИДга йўлиққан биринчи бемор Нью-Йоркда 1981 йилда рўйхатга олинган.**

Ҳамкасб

# УМР КАРВОНИ

## Даврон ҒУЛОМ 60 ёшда!

Вақт олдида инсон умри заррабин билан зўрға кўринадиган заррадан ҳам кичик нарса. Ёшлик бебошлиги, ўсмирлик орзулари, рўзғор ташвишлари, қарабсизки, карвон аллақанча сардобалар, қўналғалар, тоғу тошларни ортда қолдириб кетибди.

Даврон акани вилоят марказидаги Матбуот уйида кунда кўраман. Бу масканда ишлаётган ижодкорларнинг кўпчилиги у киши билан самимий кўришиб, суҳбатда бўлишади. Лекин ҳар кун кўриб саломлашиб турган кишингни аслида билмас экансан. Билганлар ҳам уни шунчаки расмиятчилик нуқтаи назаридан билишади. Сабаби Даврон ака Ғуломов камгап, камсуқум, деҳқонтабиат, ўзини тарозига солавермайдиган дилгир инсон. Бир гал қовурғасига ботмадими, ўшандайларнинг кўчасидан ҳаргиз ўтмайди. Баландпарвоз, мақтанчоқ, таниш-билишларнинг суҳбатидан ўзини четга олиб юради. Дилтортар дўстлар даврасида кўнглини очади, қалбидаги не-не иқлимлардан сизни баҳраманд қилади. Қулфи очилмаганда эса ундан оддий гапни ҳам суғуриб ололмайсиз.

Кўринишидан самимий, ҳаракатлари болаларникига ўхшайди. Шу сабабли ҳам катта-кичик у киши билан ҳеч иккиланмасдан муомала қилаверади. Ўн беш йиллардан буён саломалликмиз. Кунда-кунора кўришиб турамиз. Бирор марта Даврон аканинг ишидан, рўзғоридан, касбидан, дўстларидан ёки шароитидан нолиганини эшитган банда эмасман. Қотмадан келган, дароз бу одам аслида ор-номус, шукр ва қаноат кишиси. Яна бир гапки, у мингларни мақтаган, ҳимоя қилган бўлса бордир, лекин мақтанган ва туҳмат қилишганда ҳам ўзини ҳимоя қилишга уринмаган инсон. Ана шундай ҳамкасбимизнинг ёнма-ён ишлаб олтмишга кирганини эшитганимда ишонгим ҳам келмади.

Ижодкор халқига хос инжиқлик Даврон акада ҳам бор. Лекин бу бошқачароқ инжиқлик. У киши ғаму ташвишини бировга дастурхон қилмайди, дарду қувончини ўзи елкалаб келаётган ижодкорлардан. Тақдирнинг раво кўрган яхши-ёмон қисматларига ёшлигидан кўникиб, шукрона айтиб ўрганган. Балки қаттол давр ёшлигида уни шунга ўргатгандир. Ҳар қалай, инсоннинг табиати, феъл-атвори у туғилган оила, муҳит ва давр билан бевосита боғлиқдир. Айни иккинчи жаҳон уруши бошланиб, дунёга ўт кетганида Ғуломовлар оиласида уч ўғилдан сўнг кенжа фарзанд туғилди. Ана шу кенжа ўғил — Даврон дунёга келиб, атак-чечак бўлмасдан уруш ва қаҳатчилик даҳшатини жону-жисми ва мурғак онги билан қарши олган авлод вакилларидан бири. Акалари уруш деган ёвуз балонинг қурбони бўлишди. Болалигиданоқ оила хуржуни елкасига тушган Даврон қишлоқнинг, колхознинг ўтидан кириб сувидан чиқди. Ўрта мактабни тугатиб, Термиз қурилиш материаллари корхонасида ишлаб, оила қаддини тиклади. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгандан сўнг, Тошкент давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди. Оила шароитининг оғирлиги туфайли биринчи курсни тугатгач, ўқишни сиртқига айлантирди.

— Ҳаёт чорраҳасида турган бир пайтларим эди. "Ленин байроғи" вилоят газетасининг мухбири, устозим Ҳамид Раҳмонов қўлимдан етаклаб Термиз туманидаги "Илғор" (собиқ "Ленинчи") газетаси таҳририятига олиб борди. Болаликдан туман ва вилоят газетасига ёзиб юрардим. Раҳматлик Зоир Муллажонов деган киши муҳаррир экан. Дарҳол у-бу нарса ёздириб, хат ишлатиб, имтиҳон қилган бўлди. Талабга жавоб берган бўлсам керак-да, оқ фотиҳа бериб 1976 йили адабий ходимликка қабул қилишди, — дейди Даврон Ғуломов. —Ўшандан буён газетадан, ижоддан ажрала олмайман. Газетанинг нони қаттиқ, заҳмати оғир, гирдоби чексиз, сеҳри чуқур бўлар экан. Неча бор бу соҳани тарк этишга жазм қилганман. Лекин қўлимдан келмаган.

90-йилларгача Даврон ака бизнинг туманда муҳаррир бўлиб ишлади. Ҳар қалай, Музработ туман "Меҳнат зафари" газетаси мавзу жиҳатидан ўзгарди. Вилоят марказидан қатнаб ишлайдиган муҳаррир босмахонани ёки таҳририят ҳовлисига барча ходимлардан ярим соат олдин келиб турарди. У кишини қишнинг қаҳратони, ёзнинг жазирамасида йўлда машина кутиб турганини кўриб, ич-ичимдан ачинган жойларим кўп бўлган. Наҳотки, олтмиш чақирим йўлдан келиб ишлаш бир ёшга бориб қолган ижодкор учун шунчалик зарур бўлса, деб ўйлардим. Йиллар ўтиб бунинг касбга бўлган, ижодга бўлган қизиқиш ва эътиқод эканини англаб етдим. Ўзининг айтишича, Соатмурод Жўрақулов, Норқул Ҳайитқулов, Жаббор Ваҳобов, Теша Сайдалиев, Ҳамид Раҳмонов каби забардаст журналистлардан ижодий сабоқ олиш билан бирга уларнинг энг яхши хислатларидан бир-бир чимдим ўзлаштиришга ҳаракат қилган.

Биз ғоҳида бугунги кун матбуоти, сафимизни тўлғазаётган ёш ижодкорлар хусусида суҳбатлашиб қоламиз. Даврон Ғуломовнинг бу борада ҳам ўзига хос фикри бор:

— Ўқишни битириб келаётган ёшлар орасида иқтидорлилари анчагина. Лекин кўпчилигида касбга бўлган маъсулият етишмайди, назаримда. Ахир таҳририятда, нашриётда ёзилмаган ички бир тартиб ва қонунлар мавжуд. Касб маданияти деганда чиройли кийиниш, сипойи салом-алик тушунилмайди. Бунга ижодкорнинг ички маданияти ҳам киради. Айни пайтда матбуот нашрлари кўп, ёшлар бунисини бўлмаса, бунисини дегандай, муҳаррир сал қаттиқроқ гапирса, ишни ташлаб кетишаверади. Ўзига нисбатан талабчанлик, қаттиққўллик қилолмаслик ижодкорнинг фожеаси, ижоднинг инқирозидир. Шу маънода журналист, ижодкор оғир тош бўлиши керак.

Бу Даврон Ғуломовнинг шу соҳадаги қараш ва фикрларидан бир чизги, холос.

Газетачилик жуда машаққатли иш. Даврон Ғуломов Термиз шаҳар партия қўмитасида, вилоят маданият бошқармаси, китобсеварлар жамиятида ҳам бир муддат фаолият кўрсатган.Яна бир гапки, Даврон ака манзилга етдик, деб қўл қовуштириб ўтирганлар хилидан эмас. Вақтли матбуотда муаммоли мақолалари, ҳикоя ва ҳажвиялари билан қатнашиб келаяпти. Пойтахтдаги нуфузли нашриётлардан бири у кишининг "Маънавият гулшани" деб номланган очерклар тўпламини чоп этиш арафасида турибди. Яқинда "Бодил-банкрот" деган ҳажвия қиссасини ёзиб тугатди. Ижод ва умр карвони кун, дақиқа сайин ўтиб борса-да, ижодкор ҳали толиқиш деган нарсадан йироқ. Уч ўғил, икки қизнинг меҳрибон отаси, тадбиркор оила бошлиғи, ёшларнинг устози, матбуот жонкуяри Даврон Ғуломов ҳамон карвоннинг бошида бормоқда. Биз эса у кишига фақат узоқ умр ва ижодий парвозлар тилаб, ҳамиша болаларингиз ва шогирдларингиз ҳузур-ҳаловатини кўринг, деган тилак билан қоламиз.

**Сафар ОМОН**

***Сурхондарё вилояти***

Матбуот

# IPIни БИЛАСИЗМИ?

XX асрнинг 50-йиллари. Дунёнинг катта қисмида қирғин-барот уруш келтирган асоратларни тиклаш давом этаётган бир паллада жамиятнинг тиниб-тинчимас вакиллари — журналистларни халқаро миқёсда бирлаштириш зарурати пайдо бўлди. Бу ташкилот эса ҳар ерда ҳозиру нозир дунё журналистлари фаолиятида маънавий муштараклик ҳосил қилиши керак эди.

Айни шу зарурат туфайли 1950 йили Нью-Йорк шаҳрида дунёнинг 15 мамлакатидан келган газета, журнал, радио, телевидение, ахборот агентликларининг муҳаррирлари, раҳбарлари томонидан журналистларнинг халқаро ташкилоти — International Press Institute га асос солинади. Ташкилот ўтган йиллар давомида узоқ шаклланиш даврини босиб ўтди. Ҳозирга келиб, IPI таркибида 100 дан ортиқ миллат вакиллари бўлган минглаб журналистлар фаолият олиб боради. IPI нинг штаб-квартираси Австрия пойтахти Вена шаҳрида жойлашган. Ташкилотнинг кенг кўламдаги фаолиятига аъзо давлатлардаги миллий қўмиталар ёрдам беришади. IPI нодавлат халқаро ташкилот сифатида БМТ, ЮНЕСКО, ЕХҲТ каби нуфузли даргоҳларда маслаҳатчи мақомига эга. У ўз фаолиятида матбуот эркинлигини ҳимоя қилиш, журналистларнинг хавфхатарсиз ва ҳеч қандай аралашувларсиз фаолият юритишига имкон яратиш, журналистлар тажрибаси ва касбий маҳоратини ошириш бўйича йиғинлар ташкил этиш, дунё бўйлаб эркин ахборот алмашинувини таъминлаш каби муҳим вазифаларни амалга оширади. Халқаро ташкилот мутахассислари дунё мамлакатларида сўз эркинлиги қай даражада таъминланаётгани борасида кузатувлар олиб боради. Агар бирор мамлакатда сўз, матбуот эркинлигини чеклаш ҳолати юз берса, ташкилот ўша давлат ҳукуматига норозилик келтириш ҳуқуқига эга. IPI нинг олий бошқарув органи йилда бир маротаба чақириладиган Жаҳон Конгрессида ташкилотга аъзо журналистлар билан биргаликда давлат раҳбарлари, нуфузли сиёсатчилар ҳам иштирок этади. Умуман, Конгресс ташкилотнинг бир йиллик фаолиятидаги сарҳисоб вазифасини ўтайди. Шу асосда ҳар йили "IPI Report" (IPI ҳисоботи), "World Press Freedom Review" (Жаҳон матбуот эркинлиги шарҳи), "Congress Report" (Конгресс шарҳи) каби ойлик ва йиллик нашрлар чоп этилади.

Бугунги кунда халқаро журналистлар ташкилоти Шарқий Европа ва собиқ Иттифоқ таркибига кирган республикаларга катта эътибор қаратмоқда. Биз учун қувонарли жиҳати шундаки, дунёдаги энг кучли журналистлар жамланган мазкур ташкилот аъзолари орасида ўзбек журналисти ҳам бор.

**Собиржон ЁҚУБОВ**

Таълим

# АҚШда ЎҚИМОҚЧИМИСИЗ? ШОШИЛИНГ

Америка Қўшма Штатлари 2002-2003 ўқув йили учун ўнта таълим дастури эълон қилди. Дастурлар АҚШ давлат департаменти томонидан молиялаштирилган бўлиб, жаъми харажатлар учун 3 млн. доллар сарфланиши мўлжалланган. Шу муносабат билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст сўзга чиқди. Шунингдек, Америка Халқаро кенгаши ҳамда Халқаро Илмий тадқиқотлар ва олимлар айирбошлаш кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, АҚШ элчихонасининг Таълим ва маданият бўлими раҳбарлари иштирок этиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Демак, ACCELS 2002-2003 ўқув йили учун қуйидаги дастурларни бошқаради:

- Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти бўлажак раҳбарлар алмашуви;
- Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти (бакалавр);
- Эдмунд С.Маски/Озодликни қўллаб-қувватлаш (магистратура);
- Олий ўқув юртлари ёш ўқитувчиларини ривожлантириш;
- Инглиз тили ва америкашуносликни ўқитиш бўйича АҚШ-Ўзбекистон аълочилик мукофоти;
- АҚШ-Ўзбекистон таълимда ҳамкорлик;
- Юқори синфлар ўрта таълим лойиҳаси;

Юқорида номлари зикр этилган дастурлар бўйича янаги ўқув йилида тахминан 120 талабгор грант билан тақдирланиши кутилмоқда.

Умуман олганда, ўнта таълим йўналиши бўйича ўзингизни қизиқтирган барча саволларга қуйидаги телефон рақамлари орқали жавоб олишингиз мукин:

**АКСЕЛС 152 12 81/6**
**АЙРЕКС 139 10 58/ 55 70 25 /55 83 58**
**АҚШ элчихонаси 133 70 96 /133 59 74**

Саргузашт

Дадахон НУРИЙ

# БОЙСУН ЖУНГЛИЛАРИДАН КАНДИ ЎРМОНЛАРИГАЧА

### ҲИНДИСТОН. МИНГ ЙИЛДАН СЎНГ

#### Дебоча

Тақдири азал ҳукмими, чархи кажрафторнинг тақозоси шундай эканми, "Ҳинд сори юзланган" бобокалонларимизнинг ҳоки-пойи олис сарҳадлари тупроғига қоришиб кетган афсонавий бу юрт тили — ҳиндустонийни (12-13 ёшимдан) қизиқиб ўрганишга киришгандим.

Бу мамлакат ҳақида ёзилган китобларни истаб-сўраб топиб, бирортасини қолдирмай ўқиб чиқардим.

Биринчи устозим озғиндан келган, баланд бўй, ҳабашдай қоп-қора, жуда меҳрибон инсон Мадан Моҳан Хардат бўлган. У киши урушдан сўнг "ҳақиқат" излаб Ҳиндистондан СССРга келади, қандайдир "айб" билан ҳибсга олинади. "Сталин қамоқхоналари"да узоқ ўтириб, шахсга сиғиниш танқид остига олинган йиллар озодликка чиққач, Тошкентнинг Чилонзорида яшарди...

Тил ҳақида мукаммалроқ сабоқни иккинчи ўқитувчим, Деҳли университетининг профессори Қамар Раис соҳибдан олганман.

Бир куни устоз Мадан жи Ҳиндистонда чоп этиладиган "Милап" газетасини кўрсатиб қолди. Унинг саҳифаларида бош муҳаррир Рамбир Сингнинг камина ҳақидаги мақоласи босилганди.

Кўп ўтмай бизнинг газеталар ҳам расмий хабарда номимни эслаб ўтишди: ўшанда, 1956 йилнинг ўрталари Ҳиндистон президенти Режендра Прасад жаноблари Тошкентга ташриф буюрган, ул зот билан қисқа мулоқотда бўлиб, таҳсинига сазовор бўлгандим.

Талабаликнинг биринчи таътил йили уйга борганимда "дадам-дадам" (асли исмим Ғиёсиддин бўлган экан) дея эркалаб, ялаб-юлқайверадиган Ачахон бувимнинг айтган гаплари ҳеч эсимдан чиқмайди:

— Ҳиндиларнинг тилини ўрганяпсанми? Яхши қипсан. Улар жуда машшоқ, ўйинчи халқ бўлади. "Тоғорани чалса ҳам, ҳинди чалсин" деган гап юрарди. Менинг тўйимда сурнай, ноғора чалиб, роса томоша кўрсатишган. "Аёлларининг пешонасида ҳам кўзи бўлади" деб қўрқитишарди.

Мен кейинчалик Ҳиндистон тарихи, маданияти, фалсафасига ҳамда ҳаётига оид адабиётлар билан ўзбек, ҳинд, рус тиллари орқали янада кенгроқ танишдим.

Буюк ҳамюртимиз Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳиндистон", тарихчи олим Пальм Даттнинг кўпроқ марксистик бирёқламалик руҳида ёзилган "Ҳозирги Ҳиндистон" китоблари доимий ҳамроҳим бўлиб қолди. Қизиғи шундаки, биринчи китоб 1030 йилда, иккинчиси эса 1940 йилда ёзиб битказилган, улар оралиғини роппа-роса 910 йиллик масофа ажратиб турарди. Демак, менинг бобокалонларим минг йиллар олдиноқ Ҳиндистонга қизиқишган, унинг ўша давр ҳаётини тарих зарварақларига бошқалардан аввал, ҳаққонийроқ қилиб битиб кетишган.

"Ҳиндистон" асари 1887 йили арабшунос олим Эдвард Захау томонидан Лондонда араб тилида, бир йил ўтгач, инглиз тилида босилиб чиққандан сўнг Ғарб дунёси олимларини ҳайратга солди, илми тарих аҳли орасида катта шов-шувга сабаб бўлди.

Машҳур шарқшунос олим В.Р.Розен "Ҳиндистон" китобини "Қадимги ва ўрта аср Ғарб ва Шарқ адабиётида мисли кўрилмаган нодир ёдгорлик" деб баҳолайди. "Беруний, — деб ёзган эди машҳур ҳинд тарихчиси С.К.Читтержи, — биринчи ҳиндшунос олим бўлиш билан бирга, барча давр ҳиндшуносларининг энг улуғ устози ҳамдир".

Боболарнинг оламшумул салоҳияти билан фахрланиб, фарзандлар ҳамиша уларга эргашганлар. "Орзуга айб йўқ" деганларидек, мен ҳам Беруний ҳазратларига ҳавасмандлик қилсам, ул зотнинг муборак этакларидан тутсам, шаккоклик бўлмас, худонинг ўзи кечирар деб ўйлайман.

### ТЕКИН ТОМОША

Деҳлидаги савдо расталари билан тўлиб-тошган "Палика базар" ерости шаҳарчаси жинкўчалари бўйлаб айланиб юриб, одам ғуж яланглик устидан чиқиб қолдим.

Нарироқдаги кичкина дўкон қаршисида икки киши сан-манга бориб даҳанаки "жанг" қилар, улар ҳали ёқалашишга бориб етганларича йўқ эди.

Ажабки, баҳс авжга минаётган томондан "қур-р-е, қур-р-е" деб қир бағрида пода ҳайдаётган чўпонларнинг овозига ўхшаш дағалроқ таниш оҳанг қулоғимга чалиниб қоларди.

Қалами матодан бизнинг яктак-иштонни эслатувчи дҳотий кийган иккита "томошабин"нинг бир-бирига айтаётган сўзларини эшитдим: "Ҳой-ҳой! Бало экан. Бошидаги дўпписига қараганда бу ерликка ўхшамайди. Лекин бемалол ҳиндустонида гапиряпти!" "Э, Лаллу жи, қизиқ экансан. Либосини ўзгартириб олиб, минг қиёфада товланиб юрувчи лўттибозлар камми бизда? Савдогар билан ўзимиз баҳслашолмаймиз-у, чет элликка йўл бўлсин!"

Уларнинг бу гаплари мени қизиқтириб қолди, одамлар оралаб олдинга юрдим.

"Ана, яна битта дўппили! Энди жанжал авжга чиқади. Сардар жининг аҳволига вой!" Бу сўзларни бaралла овоз билан ҳозиргина гап сўқишиб турган кишилар орқамдан айтиб қолишди.

Ҳақиқатан бақир-чақир бўлиб турган ерга яқинлашарканман, аввал тўрт гулли дўппи кийган кишининг бошига, сўнг бесўнақай гавдасига кўзим тушди.

**(Давоми бор)**

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

**Муассис:** Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

***Бош муҳаррир*** **Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**

**Таҳрир ҳайъати:** Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик концерни босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 19.00
Буюртма — Г - 2542

*Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh.SAYDALIYEV

